

# Фарғона ҳақиқати

Йигитликда йиғ
илмнинг махзани,
Карилик чоғи харж
қилғил ани.
Алишер НАВОИЙ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | http://farhaqiqat.uz/ | t.me/farhaqiqati | 2021 йил 2 февраль, сешанба | № 10 (24503)


# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Фарғонага амалий ташриф билан келган Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Жаҳонгир Аламни қабул қилди.





Қабул самимий ва дўстона руҳда ўтди. Дастлаб Х.Бозоров вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, хорижий шериклар билан ҳамкорлик алоқалари, туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳақида маълумот берди. Сўнгра дунё бозорида қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм, фармацевтика саноати соҳаларида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган ҳамкор давлат билан ўзаро шерикчиликнинг ҳар икки томон учун устувор аҳамиятлари ҳақида гапириб ўтди.

— Бангладеш Халқ Республикаси тўқимачилик компанияларининг вилоятда амалга ошириладиган ҳар қандай истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, ҳамкорлик кўламидан келиб чиқиб, Фарғона вилоятида мамлакатингиз компаниялари учун махсус эркин иқтисодий зона ташкил этишга тайёрмиз, — деди вилоят раҳбари.

Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Жаҳонгир Алам Фарғона вилоятида хорижий давлатларнинг инвестиция киритиши, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиши учун кенг имкониятлар мавжудлигидан хабардорлигини маълум қилди. Ўз навбатида, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан бири бўлган Бангладешнинг етакчи ва илғор компаниялари Фарғонада қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканлигини билдирди.

Қабул чоғида Фарғона вилояти ва Бангладеш ўртасида қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, авиақатнов, туризм, таълим соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари бўйича келишувга эришилди.



Фарғона вилояти ва Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама манфаатли инвестицион ва савдо-иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик соҳаларини янада кенгайтириш бугунги кун талабига айланди. Шу муносабат билан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Фарғонада Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек Мақсудов билан учрашди.

Мулоқотда муҳим аҳамиятга эга устувор йўналишлар, шу жумладан, Фарғона вилоятида Саудия Арабистони сармояси иштирокида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, Риштон кулолчилик буюмлари, Марғилоннинг жаҳонга машҳур атлас ва адрас матоларини араб бозорига олиб кириш, логистика, туризм каби йўналишларда ҳамкорлик истиқболларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, таълим соҳасида Саудия Арабистонидаги Энергетика ва сув институти билан ҳамкорлик қилиш, икки давлат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форумлар ташкил этишга келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ФИДОЙИ УСТОЗ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчиси, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳиби Одинахон Йўлдошевани рағбатлантирди.**



Фидойи устознинг 9 нафар ўқувчиси фан олимпиадасининг вилоят босқичи ғолиби бўлди, 7 нафари эса халқаро олимпиадада қатнашувчи номзодлар рўйхатига киритилди.

Тантанали маросимда вилоят раҳбари олий тоифали ўқитувчи Одинахон Йўлдошева шаънига самимий фикрлар билдириб, раҳматнома эълон қилди. Уни вилоят ҳокимлигининг совғаси билан тақдирлади. Шунингдек, мактаб-интернат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун замонавий компьютер жамланмалари туҳфа қилинадиган бўлди.

— Мен учун кутилмаган эҳтиром кўрсатилди. Бундан буён ҳам ўқувчиларимиз энг нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолиблари сафидан ўрин олиш учун бор куч ва маҳоратимни сарфлайман, — деди Одинахон Йўлдошева.

**Алишер РОЗИҚОВ.**
**Элёр ОЛИМОВ олган сурат.**

# РИШТОННИНГ КУЛОЛЧИЛИК МАЖМУАСИ

## яқин кунларда вилоятга ташриф буюрган меҳмонларни чорлайди



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Риштон туманида янги бунёд этилаётган кулолчилик мажмуаси фаолияти билан танишди.

Фарғонага келган хорижлик сайёҳ ёки меҳмон албатта, Риштон туманига ташриф буюради. Чунки бу ернинг уста ҳунармандлари томонидан тайёрланаётган кулолчилик маҳсулотлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Риштонлик кулоллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг дизайни, табиий ранги ва қалампир нусхали нақшларга бойлиги билан ажралиб туради. Айни кунларда 500 дан ортиқ кулоллар бу анъаналарни давом эттириб келмоқда.

Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган Риштон кулолчилик мажмуаси 20 нафар кулол-ҳунарманд учун икки қаватли (шундан биринчи қавати устахона ва савдо дўкони) кулолчилик хонадонлари, музей-галерея ва банк хизматлари марказини ўз ичига олади.

1,1 гектар ер майдонидан иборат мажмуани барпо этишда «Ўзсаноатқурилишбанк» қошидаги "SQB Capital" компанияси томонидан қарийб 20 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эътиборлиси, мажмуани барпо этиш жараёнида риштонлик ҳунармандлар, хусусан, уста кулоллар билан кенгашиб иш олиб борилди. Натижада ҳар бир турар жой ўзига хос меъморий ечимга, таъбир жоиз бўлса, меъморларнинг дастхатига эга бўлди.

Мажмуа ишга туширилиши билан 230 га яқин янги иш ўринлари яратилиши ҳамда ҳунармандлар томонидан яратилган нодир маҳсулотлар хорижга экспорт қилиниши кўзда тутилган. Мажмуадаги кўргазма-музей миллий амалий санъатимиз намуналари билан танишиш, қолаверса, кулолчилик асарлари яратилишини кузатиш имконияти Риштоннинг сайёҳлик салоҳиятини ошишига ҳам хизмат қилади. Ҳозирда мажмуада қурилиш ишлари якунига етган бўлиб, ҳунармандлар ўз фаолиятини бошлаш арафасида турибди.

Мажмуага ёндош "Хўжа Рушноий" тарихий ёдгорлиги ҳам капитал таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этди. Меҳмонлар дастлаб бу ерда зиёратда бўлишди, дуои фотиҳа қилинди.

Бош вазир ўринбосари Сардор Умрзоқов Риштон кулолчилик мажмуасида ҳунармандлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммолари билан қизиқди. Хусусан, кулолчилик маҳсулотларининг экспорти географиясини кенгайтириш, мажмуада хорижлик сайёҳлар учун қулайликлар яратиш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**
**Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.**

# Янги диагностика маркази

ҚУВА ТУМАНИДА замонавий диагностика маркази фойдаланишга топширилди. "Med doctor Aslonov" МЧЖ томонидан бунёд этилган мазкур муассаса қурилиши учун 21 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ташхис маркази компьютер томографияси, рақамли рентген, УЗИ, нейросанография каби янги авлод тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 30 та янги иш ўрни яратилди.



Тиббий муассасанинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров бугунги кунда вилоятда соҳани ривожлантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ихтисослаштирилган тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хусусий диагностика маркази бир кунда 150 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш қувватига эга.

**Рустам ОРИПОВ.**





## Қўқон садоси

Юрт равнақи, эл фаровонлиги учун ҳар биримиз масъулмиз!

Қўқон шаҳри ҳокимлиги нашри
1914 йил 3 апрелдан чиқа бошлаган

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

**Қўқон дунёда "Латиф" мақомига эга ягона шаҳар. Қўқон адабий муҳити таъсирида 300 нафардан зиёд ижодкорлар етишиб чиққанининг ўзи ҳам Ҳўқанди латифнинг адабий-маданий мероси нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради.**

# "ҚЎҚОН САДОСИ"НИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗИ СЎНИБ БОРМОҚДА?!

Давр талаби ва эҳтиёжи билан номи бир неча маротаба ўзгарган "Қўқон садоси" газетаси 107 йиллик тарихга эга. Газетанинг ташкил этилиши машҳур маърифатпарвар тадбиркор ва ношир Обиджон Маҳмудов номи билан боғлиқ. Бу инсон ўз сармоясига Германиядан босмахона жиҳозларини олиб келиб, газета чиқарган эди...

Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби адибларимиз таҳририятда бир муддат фаолият олиб борган. Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ғафур Ғулом сингари забардаст ижодкорларимиз газета жамоаси билан фаол ҳамкорлик қилган.

Бугун Қўқонда жаҳон бозори, дея эътироф этилувчи улкан савдо мажмуалари бор. Бу бозорларга етти иқлимдан маҳсулотлар келтирилади. Муҳташам тарихий-маданий ёдгорликлар, музейлар, 4 та олий таълим муассасаси (иккита ОТМ филиал сифатида фаолият кўрсатади), савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари 250 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилувчи Қўқоннинг бугунги истиқболи нечоғли порлоқ эканлигини англатади.

Хуллас, шаҳарда тинч-осойишта ва фаровон яшаш учун ҳамма нарса бор. Фақат газета йўқ – "Қўқон садоси"нинг жарангдор овози тобора сўниб бормоқда. 2020 йили газета ойига икки марта, бор-йўғи 350 нусхадан чоп этилиб, аранг жон сақлаган эди. 2021 йил учун "Қўқон садоси"га атиги 381 нусха обуна бўлди. Шу йилнинг январь ойида қўшма сон қилиниб, 450 нусхада бир марта газета чиқарилди.

Таҳририят бир пайтлар ўзиники бўлган тарихий бинода бепул асосда бўлса-да, ижарада туради. Етти-саккиз ойдан буён маош олмаётган 5 нафар жамоа аъзоларининг бир нафари журналист, холос. Бош муҳаррир Адҳамжон Мирсаидов журналистика соҳасида 50 йиллик тажрибага эга. Тўғри, янги йил байрами арафасида таҳририятнинг уч нафар ходимига 1 млн. сўмдан, икки ходимга 500 минг сўмдан пул берилди. Лекин халқимиз мақолида жуда ўринли айтилганидек, ҳолва деган билан оғиз чучимайди!..

Муассис – Қўқон шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари "Қўқон садоси" газетаси билан боғлиқ муаммоларни эътироф этиб, обунага жиддий киришмоқчи эканликларини айтишади. Рости, муассис – шаҳар ҳокимлиги, шахсан ҳоким Маъруфжон Усмонов бундай ваъдаларни кўп бор берган. Агар хоҳиш ва истак самимий бўлса, Қўқонда шаҳар газетаси учун барча имкон бор.

Афсуски, вилоятнинг яна бир неча шаҳар-туман газеталари ижодий жамоаларининг аҳволи "Қўқон садоси"никидан кам эмас. Бундан кўринадики, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тарихий кўзгуси, "ташриф қоғози" бўлган газеталарни ривожлантиришга муассисларнинг эътибор ва рағбати керак.

**Ботир МАДИЁРОВ.**

# Кичик саноат зоналарининг КАТТА МУАММОЛАРИ

## Ёхуд тадбиркор додини кимга айтсин?

**– Тадбиркорга қўядиган талабларимиз эҳ-ҳе жуда кўп: нега ишчи ўрнини кўпайтирмаяпти, фаолиятини кенгайтирмаяпти, маҳсулотини четга экспорт қилмаяпти..? – дейди куюниб Марғилондаги кичик саноат зоналари мутахассиси Элёр Мадаминов. – Мана шу барча талабларни бажаришга уларнинг салоҳияти, имконияти, ақли етади. Фақат уларга керакли шароитни яратиб берсак, кифоя. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ишлайман, ишсизларни ҳам ёнимга оламан, деб ўзлари ташаббус билан чиққанлар. Уларнинг кўзидаги оловни сўндириб қўймаслигимиз керак-да, ахир.**

Марғилон шаҳрида тўртта кичик саноат зонаси бўлиб, улардан "Надирмат" ва "Наврўз" 2018 йили фаолиятини бошлаган. 15 гектарли "Йўлдошобод" ҳамда 4 гектарли "Ёшлар" саноат зоналарида ҳали қурилиш ишлари давом этаяпти.

Йигирмага яқин ишлаб чиқариш корхоналарини ўзида бирлаштирган "Надирмат" кичик саноат зонасида муаммолар етарлича. Энг асосийси – электр ва иссиқлик энергиясининг етишмаслиги.

– Эрталабдан свет йўқ, – дейди "Bright sun" хусусий корхонаси директор ўринбосари Муҳаммаджон Маматхонов. – Мана, 12 нафар ишчимиз бекор ўтирибди. Қиш мавсуми келди дегунча биз зарарига ишлаймиз. Корхонамиз суюқ ойна ишлаб чиқаришга ихтисослашгани боис, мабодо иш жараёнида электр таъминотида узилиш бўлса, маҳсулот қотиб қолади, уни яна суюқ ҳолатга келтиришга шунча миқдорда электр токи сарфланади. Вақт кетади. Ток бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ишчиларнинг ҳақини беришимиз керак.

– "Надирмат" электр токини иккита линиядан олади, – дея вазиятга ойдинлик киритди "Fabian Invest" МЧЖ иш юритувчиси Маъруфжон Тешабоев. – Болтакўл линиясида узилиш бўлса, комбинат линиясига автоматик тарзда уланади. Бу ерда деярли ҳамма корхоналар электр токида ишлагани учун алоҳида трансформатор олиб келинган. Барибир зўриқиш кучайиб кетаяптими, "ЩИТ" кўтаролмаяпти.

10 нафар доимий, 40 нафар мавсумий ишчиси бўлган аёллар пойабзал корхонаси – "Fabian Invest"нинг ҳам асосий муаммоси электр токи ва иссиқлик энергиясига бориб тақалади. Агар шу муаммо бўлмаса эди, ойига 10 минг эмас, 20 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарар, нафақат бошқа вилоятлар, балки Тожикистондан ташқари қўшни мамлакатларга ҳам маҳсулоти етиб борармиди...

Умумий майдони 1356 кв. метрни ташкил қилувчи "Синиорита" хусусий корхонасининг ҳам муаммоси ўзига етарли. "2018 йили "Микрокредитбанк"дан 4 йилга 245 минг доллар миқдорида кредит олганмиз. Устига яна озроқ маблағ қўшиб, Хитойдан 300 минг долларлик ускуна олиб келдик. Пандемия сабаб бир йиллик имтиёз давридан фойдалана олмадик. Ўтган йилнинг октябрь ойидан тўла ишга қайтган бўлсак, бир тарафда кредит тўлови, бир тарафда тинимсиз коммунал-даги муаммолар... Ишимиз ҳеч олдига юрмади", – дейди куюниб корхона раҳбари Баҳромжон Мирхўжаев.

Ахир, корхонада барча "операция"лар электр токи ёрдамида амалга оширилса, бичув, тикув, моделлаштириш дейсизми... Бундан ташқари, бино катталиги сабабли иситишда қийинчилик бўлади. Ишчилар кетиб қолмаслиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш – раҳбарнинг бўйнида. У 300 ишчи ўрнига мўлжалланган, тўла қувватда ишламаётган корхонасини кенгайтириш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ҳақида ўйласинми ё кундалик коммунал муаммолар билан овора бўлсинми?

Баҳромжон Мирхўжаевнинг айтишича, Тожикистонга Бекободдаги Ойбек чегара пости орқали ўтишади. Агар Бешариқ туманидаги Андархон ва Равот чегара постлари орқали ўтилса, тадбиркорларга анча енгиллик бўлади, йўллар қисқариб, йўлкира ҳам арзонга тушади. Энг муҳими, тожикистонлик ҳамкорлар ишончини оқлаб, буюртмалари вақтида етказиб берилади. Ҳозирда ойига 20-30 минг долларлик маҳсулот экспорт қилаётган "Синиорита"нинг келгусидаги мўлжали – экспорт ҳажмини 50 минг долларга, 100 нафар ишчини эса 300 нафарга етказиш. Бу режаларини амалга ошириш учун эса унинг 1 миллиард сўм миқдорида давлат томонидан ажратиладиган субсидияга эҳтиёжи бор.

"Марғилон чучваралари" МЧЖ эса фаолиятини чучвара эмас, нон ва нон маҳсулотлари, ширинликлар ишлаб чиқаришга ўзгартириб юборган. Сабаб – ҳудудда 3 йилдирки, канализациянинг йўқлиги. Ярми электр токида, ярми газ печида пишувчи, бунинг устига айни қиш мавсумида харидоргир бўлувчи ширинликларга газ ва электр токининг нечоғли зарурлигини гапиришга ҳожат йўқ. "Надирмат"га истеъмол қувватининг тўртдан бири миқдорича иссиқлик энергияси ажратилганидан ҳам вазиятни тасаввур қилиб олаверинг!

Шахсини ошкор этишни истамаган суҳбатдошимизни яна бир муаммо қийнайдики, унинг отини "елка" деб айтди.



— Мисол учун, беш эмас, эҳтиёждаги ўн тонна ун сотиб олмоқчи бўлган тадбиркор шундоқ боради-ю, пулига ун сотиб олаверади, деб ўйлайсизми?! Хомтама бўлманг! – дейди у.

– Нега бу ҳақида тегишли идорага арз қилмайсиз? – сўраймиз ундан.

– Ундай қилсак, бори ҳам йўққа чиқади, мени "сотқин"га чиқаришади...

"Надирмат"нинг муаммоларини тинглаб, "Наврўз"га борган эдик, у ерда ҳам байрам эмас экан. Корхонасига газ ўтказиш учун бир ойдан буён ҳали унга, ҳали бунга югуриб, овораю сарсон бўлиб юрган Дилмурод Асқаров дилидагини яширмай-нетмай тўкиб солди: "Аввал-лари "Водийқайтақуриш" корхонасида мазза қилиб ишлаб юрган эканман. Нима бўлди-ю, Президентнинг тадбиркорларга катта имкониятлар берилади, деганига қизиқиш билдириб, мана шу 42 сотихлик ташландиқ ерда корхона қуришга киришиб кетдик. Тендерда ютиб олганимизда, бу ерлар ахлатхона эди. Ахлатдан тозалаб, эпақага келтиришга ҳам 20-30 миллион сўм сарфладим. Йиққан-терганимнию машинамни кўриб турганингиз шу бинога тикдим, 150 минг доллар сарфладим. Куним эски "Тико"га қолди. 2018 йилдан бери қурилиш, тиклаш билан энди оғзим ошга етди деганда, газ ўтказолмай сарсонман. Совуқдан бор пардоз сувоқлари ҳам кўчиб тушяпти. 80 та ишчи ўрни яратаман дегандим, хоналар совуқ, чироқ йўқ, 10 нафарини аранг ушлаб турибман..."

Кетар чоғимизда, "Фарғона текстиль мануфактур" МЧЖ раҳбари Дилмурод Асқаровнинг саволига жавоб тополмай, тилимизни тишлаб қайтдик: "Ўзи тадбиркорга давлат қандай ёрдам беради? Асл вазиятдан қонун ишлаб чиқарувчиларнинг хабари борми?"

Кун охирлаб қолганига қарамай, йўлимизни таҳририят биносига эмас, "Hududgaz Farg'ona" газ таъминоти филиали Марғилон бўлими томон бурдик. Ижро интизомининг умуман йўқлигини биздан олдин бориб, хуноби чиқиб турган отахон ҳам тасдиқлади. Айтишича, амалда ишлатилмаган газ ҳажми учун катта миқдорда қарздорлик ёзиб қўйишган. Бир ойдан буён қатнашига қарамай, муаммо ечим топмаган. Охири Халқ қабулхонасига ариза билан мурожаат қилганидан сўнг, "Отахон, узр, хатолик биздан ўтибди", дея қўнғироқ қилишибди. Кўринадики, бундай сарсон-саргардон бўлаётган биргина тадбиркор Дилмурод Асқаров эмас.

"Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш – кун тартибидаги масала", дея гапни сиёсатдан бошлаган бош муҳандис Мирзоулуғбек Муҳаммад Ализодага на тадбиркор, на мутасадди ходим қўнғироқ қилиб, боғлана олади. Жавоби тайёр – «Йиғилишда эдим». Қизиқ, йиғилишдан ортиб, асосий ишига вақт ажрата олармикан-а? Хайриятки, Президент 27 январь кунги селекторда узоғи 40 дақиқалик мажлис ўтказиш мумкинлиги хусусида гапириб, "Мажлисларга кетган вақтнинг 50 фоизи тадбиркорликни ривожлантиришга, корхоналарни обод қилишга сарфланса, одамлар биздан рози бўлади", деди. Энди Мирзоулуғбекка ўхшаш амалдорлар қандай баҳона топар эканлар, буни вақт кўрсатади.

— Биз билан шартномаси йўқ корхонага қандай қилиб газ етказиб берамиз? — дея гапни илиб кетди улгуржи истеъмолчилар билан ишлаш бўлими бошлиғи Норқул Холматов. – Бу корхонанинг номини биринчи марта эшитиб турибман. Ваҳоланки, мазкур корхона муаммоси ҳақида "Наврўз" кичик саноат зонаси мутахассиси Элёр Мадаминов М.Ализодага ёзма хабар жўнатган.

"Эртага эрталабдан "Фарғона текстиль мануфактур"га бориб, муаммони ўрганамиз ва бартараф этамиз", деган мутасаддиларнинг эртаси ҳали келгани йўқ.

Эрта эртароқ келса, яна кўплаб ишсизлар мамлакатдан ташқарига иш излаб кетмас, балки маҳсулотлар чет элларга экспорт бўлар, иқтисодиётга икки-уч хил кўринишда манфаат келтирар эди...

Биз тилимизни тишлаб, жавоб беролмаганимиз саволга мутасаддилар жавоб берсин: "Ўзи тадбиркорга давлат қандай ёрдам берилсин демоқда? Асл вазиятдан қонун ишлаб чиқарувчиларнинг хабари борми?"

**Севара АЛИЖОНОВА.**

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига



# ШОИР АСАРЛАРИДА ИЖОД ВА ИЖОДКОР ТАЛҚИНИ

Мумтоз адабиётда ҳукмдор аёл тимсоли кам учрайди. "Фарҳод ва Ширин" достонидаги ҳукмдор аёл Меҳинбону ва саройдаги ўн канизак қиз мисолида Навоий хотин-қизлар масаласидаги қарашларини илгари суради. Исломий илм ва шарқона ахлоқий мезонлар асосида шоир аёлларнинг жамиятда ўзига хос ўрни, илму санъатда юқори натижалар соҳибаси бўлишлигини маъқуллайди. Ёш авлод тарбиячиси, келажак давомийлигини таъминловчи аёлларнинг маънавий оламига, илму фазилатларига алоҳида урғу беради:

**Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,**
**Бири адвор даври ичра раққос...**
**Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб,**
**Муаммода бириси от чиқариб.**

Асар қаҳрамонларидаги ижодий қобилият, бунёдкорлик сифатлари ёшликдан шаклланиб боради. Яъни, шоир ўз ғоявий-бадиий ниятини ифодалашга тайёр образдан фойдаланмасдан, унинг болаликдаги униб-ўсиш даврига, муҳит ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Буни ўзидан олдинги салафлардан фарқли равишда яратган Искандар ва Фарҳод образлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, бола Фарҳоднинг илм олишга иштиёқи шундай тасвирланади:

**Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,**
**Яна очмоқ йўқ эди ул варақни...**
**Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,**
**Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори...**
**Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,**
**Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.**

Фарҳод илму ҳунарни, ижодни бунёдкорлик билан уйғунлаштира олган инсон. У қай ишга қўл урмасин, эзгулик, яратувчанлик ишқи билан ёндашади ва фаолиятида "маррани, мақсадни баланд белгилай"диган шахс. Ҳар бир фаолиятда ўртача ёки яхши эмас, олий даражани кўзлайди:

**Қаю суратки Моний қилди тимсол,**
**Анга Фарҳод очди чеҳра филҳол.**

Фарҳод қисқа фурсатларда илм ва ҳунарнинг баланд чўққисига етиша олади. У нафақат илмда, одамийликда, балки санъатга муҳаббат бобида ҳам ғоят баланд.

Навоий достонидаги образлар бевосита ва билвосита санъатга дахлдор. "Сабъаи сайёр" достонидаги маъшуқа Дилором мисолида мусиқачи, дўст Шопур ва Моний мисолида рассомнинг соҳир дунёси тасвирланади. Навоий ижодкор сифатида ижод ва ижодкор оламининг турфа жиҳатларига алоҳида эътибор қилади.

Шарқ, туркий халқлар адабиётида қўшиқчи, созандалар талқини гендер жиҳатдан ҳам фарқланиб, мушоира ва адабий йиғинларнинг тўлақонли аъзолари сифатида кўрсатилади. Ўзбек адабиётида аёл санъаткорлар тимсолига кам ўрин берилган, асосан ҳавасманд санъаткор сифатида ва кўпинча эпизодик образ сифатида акс этади. "Сабъаи сайёр" достонидаги Дилором бош қаҳрамонлардан бири бўлиб, унинг "булбулдек овози, мусиқага майли ва истеъдоди ҳаммани мафтун қилади". Устоз санъаткорлардан сабоқ олиб камолотга етишган Дилором тутқун аёл сифатида давр шамолида бир япроқдек саргардонликка маҳкум бўлди ва охири фожелик гўзаллик ва нодир санъатни ҳам ўз домига тортди.

Асардаги эронлик Шопур образи ҳунар бобида "устоди замона", "замон ичра нaққоши ягона". Навоийнинг ғоявий-бадиий қарашларини акс эттирган эстетик идеал Фарҳоднинг ёнида уни ҳар қадамда қўллаб турувчи, унга мос йўлдош Шопур танланади. Фарҳод ва Шопур дўстлиги, садоқати асарнинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади.

"Лайли ва Мажнун" достонининг бош қаҳрамони Қайс эл назарида мажнун бўлса-да, зеҳн-қобилиятда, илмда ўзгаларга намуна: "Оз вақтда айлади замона, Они бори илм аро ягона". Ўз замонасига сиғмаган Мажнуннинг Лайлига муҳаббати йўлидаги изтироблари эса шоирлик истеъдодини сайқаллади:

**Лайли ғамдин қилиб тафаккур,**
**Юз байту ғазал деб ўйлакимдур.**
**Ҳам қофияси онинг сифоти,**
**Ҳам барча радифи онинг оти...**

Мажнуннинг Лайлига муҳаббати, саҳродаги сарсон-саргардонликдаги руҳий қийноқлар инсоннинг ишқи илоҳий йўлида маънавий руҳий покланиш жараёнининг ажойиб талқинидир. Бу тасвирларда нозик қалб соҳиби, таъсирчан ижодкорнинг руҳий-маънавий қиёфасига хос характерли чизгилар кашф этилади.

"Хамса" достонидаги ижодкор образлари бир неча фаолият турини ўзида мужассамлаштира олган, ҳаёт йўлини яратувчанлик, бунёдкорлик асосида ташкиллаб, давр тўзонида фожеликка юз тутса-да, моҳиятан инсонга яшаш тамойили сабоғини бера олган инсонлардир. Шоир бу билан ер юзининг гултожи яратувчан инсон эканлигини таъкидлайди.

**Гўзалхон МУҲАММАДЖОНОВА,**
**ФарДУ доценти,**
**филология фанлари номзоди.**

Жараён

# Бир сўм қийматдаги бино-иншоот 114 миллион сўмга сотилди

**Қувасой шаҳар, Пакана қишлоғида жойлашган умумий майдони 0,106 (га) бўлган бўш турган чойхона биноси 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасига оммавий савдоларга чиқарилди.**

Мазкур бино-иншоот узоқ муддатдан буён бўш турган бўлиб, фойдаланилмасдан келинаётган эди. Бўлиб ўтган ким ошди савдоси 16 нафар талабгор ўртасида қизғин кечди ва бир йил муддатда 100 млн. сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 114 млн. сўмга сотилди.

Жорий йилнинг дастлабки 15 кунида бошланғич нархи бир сўм қилиб белгиланган 39 та давлат мулк объектлари 1 йил муддатда 9 миллиард 995 млн. сўм инвестиция киритиш ва 239 та янги иш ўринларини яратиш шарти билан сотилди.

— Бу қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш, рақобатни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш орқали даромадларини ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий сармоя иштирокини кенгайтириш имкониятини бермоқда, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Достонбек Махситалиев. — Шу кунга қадар ҳудудий бошқарма томонидан 54 та (шундан 14 таси 1 сўмлик) давлат мулки объектларинининг ким ошди савдолари ўтказилди.

2020 йил давомида сотилган давлат мулк объектларида 92 та янги ишлаб чиқариш тармоқлари ишга туширилди. Ташаббускор инвесторлар томонидан 203,5 млрд. сўм ва 3,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди, икки мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



**Расулжон КАМОЛОВ.**

"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури:

# БЕШАРИҚНИНГ ЭНГ МИРИШКОР ҚИШЛОҒИ



**Бешариқ туманининг Рапқон қишлоғи аҳли боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштириш, умуман олганда, ердан оқилона фойдаланиш борасида жуда ҳам миришкор ҳисобланади. Бу борада қулай имкониятлар яратилаётгани туфайли рапқонликларнинг деҳқончилик соҳасидаги тадбиркорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.**

Мевазор боғларда кўклам юмушлари бошланган бугунги кунда ўрик, шафтоли, гилос боғларидан кейин обод қишлоқ кўчалари чиройини янада оширган ишкомли узум токлари эътиборингизни тортади. Демак, бундан буён Рапқонда узумчилик тармоғи оилаларнинг қўшимча даромад манбаига айланади.

— Бизнинг маҳаллада Рапқоннинг энг миришкор томорқачилари яшайди, — дейди «Янгиқўрғон» МФЙ раиси Адҳамжон Холиқов. — Ҳозирги кунда маҳалладаги 120 та оилада иссиқхоналар бор. Ўрганишлар жараёнида 27 та оила "Темир дафтар"га киритилган бўлиб, қисқа фурсатда муқим даромад манбаи яратилгани сабабли уларнинг аксарияти ушбу рўйхатдан чиқарилди. Айни пайтда мазкур рўйхатдаги 6 та оила фаровонлигини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Истиқлол кўчаси оқсоқоли Нуриддин Саминов 74 та хонадоннинг 45 таси кўчага замонавий темир токлар барпо этганини фахр билан таъкидлайди. Узум етиштиришда Ёркинжон Розиқов, Неъматжон Исмоилов оилалари барчага ўрнак ва қўни-қўшниларга ҳам унинг сир-асрорларини астойдил ўргатишмоқда.

— Ҳамқишлоқлар тажрибасини ўрганиб, бу йил биринчи маротаба уйимнинг томида иссиқхона ташкил этдим, — дейди «Янгиқўрғон» МФЙда яшовчи Абдулафиз Каримов. — Шу кунларда помидор-бодринг кўчатлари сотишга тайёр бўляпти. Ундан камида 10 миллион сўм даромад олишни режалаштирганмиз.

Шундан сўнг томорқадаги иссиқхонада помидор-бодринг, аччиқ ва булғор қалампири, кўкатлар етиштирамиз. Хуллас, томорқадан бир йилда ўртача тўрт маротаба ҳосил олинади. Биз учун томорқа улкан даромад манбаи саналади.

Бу ҳудудда тадбиркорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Замонавий савдо, хизмат кўрсатиш мажмуалари, умумий овқатланиш шохобчалари, стадионлар, спорт клублари барпо этилиши ташаббускори ҳам маҳалладошлар. Янгиқўрғонликлар сидқидилдан меҳнат қилиш ва шунга муносиб равишда мириқиб ҳордиқ чиқаришни қойиллатади.

Яқинда тадбиркор Муҳаммадризо Эргашев давлат-хусусий шериклик тамойили асосида «Янгиқўрғон» МФЙ биноси учун барча шароитлар яратилишига 300 миллион сўм маблағ сарфлади. Шу тариқа маҳалла биноси мукаммал қулайликларга эга бўлди.

Қуёшнинг ажиб жилва қилиши рапқонликларнинг ғайратини жўштирди – боғлар, томорқаларда яна иш қизиди. Тириклик ва тирикчиликнинг азалий удуми барчани умид билан яна ерга уруғ қадаш, мўл ҳосил умидида меҳнат қилишга ундаяпти. Меҳнат билан эса юрт ва кўнгиллар обод!

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

Ободлик кўнгилдан бошланади

# ҲАШАР – МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЭМАС!





**Қиш-қировли кунлар кучдан кетиб, баҳорнинг илиқ нафаси сезила бошлади.**

Кимдир ишга шошилган, кимдир боғча-мактабга, дўконга... Лекин бир ҳолатга ҳеч ким эътибор бермасди: кўп қаватли уй атрофи қоғоз парчалари, дарахт шохлари, чиқиндиларга тўлиб тошган, бетартиблик кўнгилни хира қилади. Рўмолини иягигача ўраган бир онахон инқиллаган кўйи кўча юзидаги шох-шаббалар, қоғозлатталарни йиғиштиришга тушди.

– Яхшимисиз? – салом берган бўлди пўрим кийинган қўшни аёл. – Ҳаммаёқни расво қилди-ю, шамол қурғур. Ободонлаштиришдагилар тезроқ бир ёқлик қилишсайди.

Рўмолли аёл унга бир қараб қўйди-да, ўз юмушида давом этди...

Хонадонимизни, ҳовли-ю кўчаларни саранжом-саришта тутиш, ариқ бўйларига гул-райҳонлар экиш халқимизга хос азалий одат. Ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармасидан кўчаларга сув сепиб, ер юзини очган келинчакларнинг ҳаракати, йўл бўйлари, кўча ва гузарларни озода сақлаш, дарахт ва буталарга шакл бериб, тартибга келтириш каби анъаналаримизда ҳикмат кўп. Уйимиздаги мана шу анъана маҳалламизга кўчса, юрт обод бўлади!

– Яшаш жойларимиз ободлиги кўп жиҳатдан маҳалла раисларига ҳам боғлиқ. Чунки ўз ҳудудидаги ҳар бир хонадон, оила, фуқаронинг дарду муаммоси, юриш-туриши унга аён. Маҳалла аҳлининг бошини бир қиладиган ҳам шу раис, – дейди меҳнат фахрийси Омонжон Ҳошимов. – Ҳашар уюштириш, ҳомийларни жалб қилиш орқали жуда кўп ишларни қилиш мумкин, ҳамжиҳатлик билан ҳар қандай муаммо ечим топади. Мисол учун, шанба-якшанба кунлари одамлар уюшиб, уй атрофларини, ариқ ва зовурларни тозалаш учун вақт ажратса, ҳар ким ўз ҳудудини тозалаб, ободонлаштириб қўйса, юртимиз янада чирой очади, обод манзилга айланади.

Ҳашар халқимизнинг қадимий урф-одатларидан ҳисобланади. Қўни-қўшни, қариндошлар ёки маҳалла аҳлининг уй қуриш, боғ барпо этиш, кўча-кўйни тартибга солиш учун бирлашиши халқимиз маданиятининг бир қисми саналади. Кейинги пайтларда негадир "ҳашар" ва "мажбурий меҳнат" тушунчаси чалкашиб кетгандек. Таъкидлаш зарур – ҳашар ҳар доим байрам, ўзаро кўмаклашиш, қийинчиликлар қаршисида жипслашиш, керак бўлса, ёш авлодни меҳнатсеварлик, юртпарварлик руҳида тарбиялаш воситасидир. Ахир, иссиқ-совуқ маъракаларда маҳалла аҳли ўз ихтиёри билан хизмат қилади, бир-бирининг обрўси, ҳурмати учун жон куйдиради. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳашар ўзбеклар ва яна саноқли шарқ халқларигагина хос тушунча. Хорижда, масалан, ҳашар нима эканлигини тушунмасликлари мумкин.

– Маҳалламиздаги салкам етти километрлик йўл четларидаги симёғочларга тунда ёритувчи чироқларни ҳашар йўли билан ўрнатганмиз. Ҳашар дегани бу ихтиёрийлик асосида, ҳамманинг розилиги билан, бирор эзгу мақсадда биргалашиб иш қилиш, бунинг ёмон томони йўқ, – дейди Фарғона шаҳридаги 1-«Бешбола» МФЙ раиси Баҳодиржон Усмонов. – Ички йўллар, ариқлар, яшаш хонадонлари атрофининг озодалиги доимий эътиборимизда. Маҳалла озода, покиза бўлса, одамларнинг кўнглиям тоза, ишидаям унум бўлади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати ва уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини, хайрия ҳашарларини ихтиёрийлик асосида ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда маиший чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетилиши, аҳоли ўртасида экологик маданиятнинг етишмаслиги кишини ташвишга солади.

– 5 та техника, 1300 нафарга яқин ишчимиз 19 та бригадага бўлиниб, бутун шаҳар ҳудудида иш олиб боришади, – дейди Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Жамшид Одилов. – Эрталаб соат 5 дан 8 гача тозалаш, чиқиндиларни олиш, супуриш-сидириш ишларини якунлаб, сўнг яшил майдонлар, газон ва қаттиқ тўшамали майдонлар қарови, дарахтларни буташ, оқлаш, гуллар экиш каби вазифалар бажарилади. Байрамлар, турли тадбирлар арафасида, айниқса, ишимиз жуда кўпаяди. Баъзи кўп қаватли уйлар олдидаги майдонлар саранжом-саришталигини кўриб қувонсангиз, баъзилари дилни хуфтон қилади... Вилоятимизда 25 январдан 1 мартгача "Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги" деб эълон қилинганлиги эса ҳар бир юртдошимиздан масъулият талаб қилади.

Муқаддас Ислом динимизда ҳам поклик, озодаликка тарғиб қилинади. Жумладан, "Саҳиҳи Бухорий"да "Қаер пок бўлса, тоза, озода бўлса – жаннат боғчаларидан бир боғчадир" деган ҳадис келтирилади. Бошқа бир ҳадисга кўра, Расулуллоҳ алайҳиссалом: "Шаҳарларингизни кўркам, обод қилинглар", деганлар.

Халқимизда поклик – саломатлик, қут-бараканинг асосий омили сифатида қадрланади. Хусусан, атроф-муҳит мусаффолиги, шаҳар ва қишлоқлар ободлиги, кўча ва гузарларнинг саранжом-саришталигини таъминлаш азалий қадриятларимиздан. Кўчага чиқинди ташламаслик, сувга ахлат супурмаслик, жамоат жойларини ифлослантирмаслик миллий менталитетимизнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. Муҳими, бу каби эзгу ишлардан, энг аввало, кишининг кўнгли, кайфияти кўтарилади.

...Ҳовлидаги тартиб, саришталик, оқланган дарахтлар, экилган турфа гулларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Одамлар қалбига баҳор нафасини олиб киради...

**Ҳаётжон БОЙБОБОЕВ.**

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик департаментининг 2019-2020 йиллардаги ўртача умр кўриш рейтингида Ўзбекистон жаҳондаги 199 мамлакат ўртасида 130-ўринни эгаллабди.**

# ҲАЁТ–ҲАРАКАТ, МЕЪЁРНИ БИЛМОҚ ДЕМАК

## Донишмандларнинг эътирофича, бахтнинг ўндан тўққизи саломатликда экан

Президентимизнинг шу йилнинг 30 октябридаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори аҳолининг узоқ умр кўриш даражасини оширишда беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, соғлом турмуш тарзи жисмоний ҳаракатда ҳам, овқатланишда ҳам, расм-русм, маросим ва анъаналарда ҳам меъёрга амал қилишни, ҳаёт маромидаги ҳаракатлардан иборат эканлигини англаб етмоқликни тақозо этади. Акс ҳолда...

Бўйи етаётган қизининг салкам юз килога бориб қолгани онанинг изтиробини кундан-кунга оширарди. Маҳалладаги у тенги қизлар бирин-кетиб оила қуриб кетишяпти. Наҳотки, қизи ўтириб қолади?! Кимларнингдир маслаҳатига кириб, қаердадир муолажа қилдирди. Бир ой ўтмай О. бинойидай қоматга эга бўлди-қолди. Уч ой деганда гўзал қизнинг жойи чиқиб, уни узатдилар. Аммо тездагина яна аслига қайтиб, семиришда давом этаверди. Аввалги муолажаларни давом эттирдилар. Афсусларким, нотўғри овқатланиш касридан бўлса керак, қиз йигирма икки ёшида бехосдан ёруғ дунёни тарк этди...

Йўловчи ташийдиган таксида Тошкентдан қайтяпмиз. Эллик ёшлар атрофидаги кўҳликкина жувон боши тинмай оғришидан, бутун танаси бўшашиб, уззукун ётиб чарчашдан безор бўлиб, охири ўғли профессорга кўрсатиб келаётганини, бир ҳафталик таҳлиллардан сўнг эса ҳеч қандай касали йўқлигини айтишганидан диққати ошиб сўзлайди. «Ахир беш-олти йилдан буён аҳволим шу-ку! Уйда битта пиёла ювишга ҳам ярамайман. Олмаган уколим, кўрмаган даво чораларимиз қолмади, эскичасини ҳам қилиб кўрдик. Ҳеч ишга ярамай, келинларнинг қўлига қараб ётавериш қийин экан. Республика нейрохирургия илмий-тадқиқот институтида бошимда менингит борлигини аниқлай олишмаса-я! «Руҳиятингизга «менингитман» деган маълумотни жойлаб олгансиз, уни чиқариб ташлаб, ҳаракатга тушиб кетсангиз, жисмоний машқлар қилиб турсангиз, хуллас, ҳаётга кулиб қарасангиз, яхши бўлиб кетасиз» эмиш. Докторларга ҳам ишонч йўқ экан-да, деб қайтяпмиз»— дейди у кўзлари тўла ташвиш билан.

Ўн беш кунлар ўтказиб телефон орқали ундан ҳол-аҳвол сўрайман. «Раҳмат, опа, профессор тўғри айтибди. Касалимни унутиш учун хонадондаги ул-бул ишларга уннайдиган, тавсия қилганларидай, эрталаб жисмоний машқлар қиладиган, тоза ҳавода пиёда юрадиган бўлдим. Ҳозир анча яхшиман. Ётаверсангиз, уйдагиларнинг руҳини ҳам чўктириб қўяркансиз. Болаларим, невараларим ҳам хурсанд. Уйимиздаги муҳит энди бошқача». Аёлнинг овозларида тушкунликдан асар ҳам қолмаганди. Унинг ҳаракатсизликдан воз кечганини эшитиб, хурсанд бўлганимизни айтиб, суҳбатимизни якунлаймиз.

Ҳовлимиз Марғилондаги 20-мактаб билан девор-дармиён. Катта йўлдан бурилганда, икки юз қадамлар юриб, мактабга кириб бориш мумкин. Хоналар кўп бўлгани учун шаҳардаги 1-лицейнинг бошланғич синфлари шу ерга кўчириб келинган. Уч-тўрт йилдан буён эрталабда кичкинагина кўчага машина сиғмай кетадиган бўлиб қолди: «Malibu»дан тортиб «Tracker», «Lacetti»... Мактабнинг олди машиналар тураргоҳини эслатадиган даражада зичлашиб кетади. Келаётгани қайси, кетаётгани қайси, билолмайсиз. Айниқса, яқиндаги совуқда кўча музлама бўлиб, ҳаракатлар ниҳоятда хавфли тус олди. Болалар дарсдан чиқадиган туш пайтида эса хонадонлардаги машиналарни чиқариш-киритишга ҳам имкон қолмайди. Болажонларни муюлишда туширсалар, эрталабда икки юз қадам юриб, мактабга кириб борсалар, руҳияти янада тетик, саломатлигига фойда бўлмайдими? Ўтган йили бу ҳақда кўча аҳли номидан раҳбариятга таклиф ҳам киритилди. «Таклифларингизни ота-оналарга етказамиз, аммо ўзларингиз ҳам айтиб қўйсангиз бўларкан» дейишди-ю, натижа чиқмади.

Одамни ўйлантирадиган ҳолат. Бу билан асосан оталар, баъзан ака, амаки-тоғалар болаларга меҳрибонлик кўрсатяптилар-да, деяётган бўлсангиз, хато қиласиз. Аксинча, аввало, уларнинг саломатлигига, қолаверса, руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганларини ўзлари ҳам сезмаяптилар. Ваҳоланки, бу меҳрибонлар болаларни бора-бора жисмоний ҳаракатсизликка ўргатиш баробарида, уларнинг қалбига манманлик, кибр-ҳаво «уруғи»ни экадилар.

Шу ўринда узоқ умр кўриш даражаси дунёда иккинчи ўринда турадиган японларнинг тажрибасини келтириб ўтишни жоиз билдим. Кунчиқар мамлакатда болалар боғча ёшидан пиёда юришга ўргатиларкан. Бу уларнинг турмуш тарзига айланиб кетибди. Маълум қилишларича, боғча болалари бир кунда аввалига уч, кейин беш километргача пиёда юришга одатланаркан. Мактаб ва боғчага кетаётган болалар шу йўналишда навбатчи кўнгиллилар томонидан назорат қилиб бориларкан. Япон мактабларида жисмоний тарбияга ҳафтасига камида уч соат ажратиларкан. Бундан ташқари, ўқувчилар танаффус пайтларида ҳам беш дақиқалик бадантарбия машғулотларини бажараркан-лар. Мактаб ўқувчиси ўзи танлаган битта спорт секциясида шуғулланиши шарт қилиб белгилангани ҳам саломатликни болаликдан мустаҳкамлашга қаратилган чоралардан, албатта.

Японларда инсон вазни ортиқчалиги учун қўшимча солиқ белгиланганига нима дейсиз?! Қирқ ёшдан кейин аёллар бел айланаси 90, эркакларники 85 сантиметрдан ортиқ бўлмаслиги керак экан. Семиз ходимлари сонини камайтирмаган фирмалар кекса фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича жамғармалар ҳисобига белгиланганидан кўп бадал тўлашга мажбур бўлар экан. Японияда семизлар ҳатто Франциядагидан кўра уч баравар камлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

Айтиш керак, пандемия Ўзбекистонда ҳам соғлом турмуш тарзини қарор топтирди. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармон ҳамда қарори ижроси бизда ҳам бора-бора худди японлардагидек соғлом турмуш тарзини қарор топтириб, соғлом овқатланишни таъминлаш, жисмоний тарбия самарадорлигини ошириш имконини беради, иншааллоҳ. Ҳаммамиз ва ҳар биримиз ўз саломатлигимизга эътибор бериб, ҳаракат ва меъёрда бардавом бўлсаккина, бу олижаноб мақсадларга тезроқ эришилади.

**Хадичахон КАРИМОВА.**



# 200 дан ортиқ иншоот

## БИР ЙИЛДА "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ БУЮРТМАСИ БИЛАН ҚУРИЛДИ

**Фарғонада янги меъморчилик, бунёдкорлик анъаналари қулоч ёймоқда. Осмонўпар бинолар, ижтимоий соҳа объектлари, кўча ва хиёбонлар қурилиши шаҳарга янги ҳаёт нафасини олиб кирди.**

Шу кунга қадар "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида 18 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 33 та умумтаълим мактаблари, 57 та бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу аҳоли узоғини яқин, оғрини енгил қилиш, юзлаб янги иш ўринлари яратиш имкониятини берди.

— 2021-2023 йилларда вилоятимизда 12 та соғлиқни сақлаш объектлари, 31 та умумтаълим мактабларида қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилади, — дейди вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Зафаржон Абдураҳимов. – Асосий эътибор қурилиш сифатини яхшилаш, таннархини арзонлатишга қаратилган. Шу кунга қадар қўлдан қўлга ўтиб, қурувчига етиб борган хомашёлар бино ва иншоотлар таннархининг сезиларли равишда қимматлашиб кетишига сабаб бўлган. Айни кунда йирик қурилиш кластерлари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу қурилиш билан боғлиқ харажатларни арзонлатиш, ишни тез ва сифатли бажаришда қўл келади. Бундан ташқари, компания қошида таъминот базасини ташкил этишга киришдик. Эндиликда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонадан тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида харид қилинмоқда.

Яна бир муҳим масала, ёшлар билан ишлаш, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоятдаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Эндиликда қурилиш соҳасида ишлаш истагида бўлган ёшлар ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда тажрибали мутахассисларга "Уста-шогирд" анъаналари асосида бириктирилади. Томонлар келишувига кўра, ўқув амалиётни "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурилиш корхоналарида ўтаган битирувчи ёшлар иш билан таъминланади.

Ажратилган маблағларни иқтисод қилиш мақсадида биноларнинг ташқи кўриниши учун кўзда тутилган травертин ўрнига сувли бўёқ, пойдевор (сокол) қисмига қимматбаҳо тошлар эмас, маҳаллий шароитда тайёрланган безак плиткаларидан фойдаланишга ўтилди. Бундан ташқари, деворларни иссиқлик ушлагич қопламалар билан ўраш учун ишлатиладиган ашёлар ҳам маҳаллийлаштирилди. Хона деворларини ихчамлаштириш ҳисобига иссиқликни сақлаб қолишга эришилмоқда. Шунга ўхшаш бир қатор қурилиш материаллари маҳаллий маҳсулотларга алмаштирилиши ҳисобига янги иншоотларни қуриш билан боғлиқ харажатлар 20 фоизгача иқтисод қилиняпти.

### КОМПАНИЯ БУЮРТМАСИ АСОСИДА

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига қилган ташрифи чоғида берган топшириқлари ҳамда миллий ҳунармандчилик ва ипакчилик соҳасини янада ривожлантириш, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка жалб этиш, маҳсулотлар кўргазмаси учун шароитлар яратиш мақсадида 13 та шаҳар ва туманларда миллий ҳунармандчилик марказлари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

— Бу ишлар учун 57 миллиард 894,1 миллион сўм маблағ ажратилган, — дейди инжиниринг компанияси бош мутахассиси Шуҳрат Бобоев. — Қурилиш объектларидаги ишлар техник назоратчилар томонидан ўрганилади, аниқланган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилади. Асосий мақсад, биноларни белгиланган лойиҳалар асосида ўз муддатида пишиқ, пухта қуриш.

"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси мазкур марказлар фаолияти билан боғлиқ лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, ажратилган маблағлардан тўғри мақсадларда фойдаланишни бевосита назорат қилиб боради.

— Ҳунармандчилик ҳақида кўп гапирилади. Лекин уларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ишлари эътибордан четда қолиб келган, — дейди Фурқат туманидаги "Уста Юсуфжон наққош" оилавий корхонаси раҳбари, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Муҳаммадали Юнусов. — Шу сабабли аксарият ҳунармандлар тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб келган. "Миллий ҳунармандлар марказлари"ни қуриш борасида бошланган ташаббус анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга хизмат қилади. Бу ерда касб-ҳунар ўргатиш, маҳсулотлар тайёрлаш, сотиш билан боғлиқ қулайликлар яратиб берилмоқда.

"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси билан Олтиариқ туманида 13 та қишлоқ оилавий поликлиникасини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, тиббий профилактика ва патронаж хизмати сифатини янада яхшилаш имкониятини беради.

Шунингдек, мавжуд кичик саноат зоналаридан самарали фойдаланиш учун йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишга лойиҳа ҳужжатлари тайёрлаш, ишларни манзилли ташкил этишда "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг хизматлари катта бўлмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.**

# ИССИҚХОНАДА

## 200 НАФАР АЁЛ ИШЛИ БЎЛДИ

**Халқимиз йилдан-йилга деҳқончиликка илмий асосда ёндашиб, бозор талаблари ҳамда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳсулот етиштиришнинг инновацион усулларини жорий этмоқда.**

Иссиқхона қуриб, даромад олаётган тадбиркорлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳатто, кафтдеккина томорқасидан бир йилда уч-тўрт маротаба ҳосил олаётган миришкорлар кўпчиликни ташкил этади. Туманимизда ҳам ер билан тиллашадиган, деҳқончиликнинг сиру синоатларини пухта ўрганган тадбиркорларимиз сафи ортмоқда.

"Grand Agrofirma" МЧЖ раҳбари Улуғбек Алиқулов томонидан шу йили ишга туширилган замонавий иссиқхонани кўриб, ҳавасингиз келади. Ёш тадбиркорнинг айтишича, майдони олти гектарни эгаллаган замонавий иссиқхона лойиҳасини амалга ошириш учун 6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Банкдан 4 миллиард сўм кредит олдим, қолгани шахсий жамғармамдан, – дейди Улуғбек Алиқулов, – иссиқхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этади. Энг муҳими, 60 нафар (доимий) ва 150 нафар (мавсумий) тумандошимизни иш билан таъминлаб, иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Помидор ва бодринг етиштириш, томорқа илмини ўрганиш ёш тадбиркорга ота мерос ҳунар, касб. Негаки, отаси тадбиркор Абдулла Алиқуловни туманда танимайдиган одамнинг ўзи йўқ. 15 йилдирки, иссиқхонада етиштирган помидор-бодринглари Россия, Қозоғистон бозорларида харидоргир. Отасининг этагини тутган Улуғбек Алиқулов илк ишини 6 гектарлик майдонда 200 минг туп помидор кўчати экишдан бошлади. Кутилаётган фойда ўртача 1 миллиард сўм миқдорида.

Тадбиркорнинг фикрича, томорқа ризқ-насиба, мўмай даромад манбаи. Унинг дастурхонимиз файзу баракаси, аҳоли турмуш фаровонлиги, юрт ободлигини таъминлашдаги ўрни беқиёс. Ҳамма гап ундан оқилона фойдаланишда. Шундай экан, фурсатни бой бермай, кафтдек ерни ҳам бўш қолдирмасдан экин экиш, ниҳол қадаш, ер-сув ресурслари, яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш лозим. Пировардида, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳар ким қўлидан келганича ҳиссасини қўшган бўларди.

**Дурдона ҒАФФОРОВА,**
**"Навбаҳор" газетаси муҳаррири.**

ЭЪЛОНЛАР

Фарғона шаҳар, Шамшод кўчаси, 111-уйда жойлашган "BUILDING YULSAD" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қўқон шаҳар 16-ўрта таълим мактабини 2017-2018 ўқув йилида тамомлаган Мақситов Хожиакбархон Фарходжон ўғли номига берилган UM 0225451 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалини 2012 йилда тамомлаган Холбеков Даврон Ибрагимович номига берилган B 624020 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона тумани, "Сойбўйи" МФЙ ҳудудида жойлашган "MUHAMMAD-QODIR VODIL FAYZI" фермер хўжалиги номига берилган тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Олтиариқ тумани 11-автокорхона МЧЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 2 март куни соат 09.00 да жамият маъмурий биносида ўтказилиши маълум қилинади.

Кун тартибидаги масала: масъулияти чекланган жамият таъсисчилари рўйхатига ўзгартириш киритиш.

**11-автокорхона МЧЖ кузатув кенгаши.**



**«Тарбия» сўзи арабча «робба» феълидан олинган бўлиб, ўстирди, зиёда қилди, риоясига олди, раҳбарлик қилди ва ислоҳ қилди маъноларини билдиради. Мусулмон уламолари «тарбия» сўзини бир неча хил таъриф қилганлар. Жумладан, Имом Байзовий «Тарбия бир нарсани аста-секин камолига етказишдир» дея фикр айтган.**

**Турсунтоҳир ЭРБЎТАЕВ,**
*Қўштепа тумани "Мўймуборак" жоме масжиди имом-хатиби.*

# Мактабда тарбия соати

## *Унда ижодкорлар, уламолар, жамоатчилик вакиллари иштирок этсин*

Роғиб Асфиҳоний эса шундай таъриф беради: «Тарбия бир нарсани бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказа бориб, батамомлик нуқтасига етказишдир. Тарбиянинг маъноларидан бири — инсоннинг дунёвий, диний, фикрий ва ахлоқий қувватларини уйғунлик ҳамда мувозанат ила ўстиришдир».

Исломда болалар тарбияси ота-онанинг энг масъулиятли ва узоқ давом этадиган бурчларидир. Бошқа бурчлар баъзи ишларни қилиш ёки мулкни сарфлаш билан охирига етади. Аммо тарбия масъулияти бардавом бўлади. Зотан, ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукурлари ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан адо этиш орқали юзага чиқади. Амалий шукур – берилган неъматни неъмат берувчи Зотни рози қиладиган тарзда тасарруф қилиш билан бўлади. Бинобарин, фарзанд неъматига амалий шукур қилиш ўша фарзандни Аллоҳ таолога итоат қиладиган банда қилиб тарбиялаш билан юзага чиқади.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни қанчалар катта эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларидан билиб оламиз:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни камолга етказишда муҳим ўринда туради". Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло инсонларни яратиш пайтида соф табиат билан яратса ҳам, кейинчалик инсонлар, хусусан, ота-она тарбияси сабабли бу софликка путур етиши, унинг бузилиши ҳақида сўз кетмоқда. «Фитрат» соф табиат, динни тўғри қабул қилишга бўлган қобилият деганидир.

Жамиятнинг ривожланиши ва инсонлар ўртасидаги муомалада тарбиянинг ўрни каттадир. Фарзандларда тарбия гўзал шаклланса, турли ёт оқимлар бўладими ёки «оммавий маданият» бўладими, буларнинг барчасига нафрат кўзи билан қараш уларнинг бош мақсадига айланади. Жамият мулкини муҳофаза этадиган, ўзганинг молига, жонига, обрўсига тажовуз қилишдан ор қиладиган, ғурурли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида тарбияга алоҳида эътибор қаратмоқдаки, ота-оналар ҳам, устозлар ҳам фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмасликлари лозим.

**Шу муносабат билан мактабларда ҳар куни ўқув машғулотлари 10-15 дақиқа давомийликда "Тарбия ҳақида суҳбат"дан бошланишини таклиф қиламан. Унга ёзувчи, шоир, журналистлар, имом ва аҳли илм, жамоатчилик вакиллари таклиф этилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

## Газетада босилгандан сўнг...

# Муаммолар ижобий ечим топади

**"Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2020 йил 5 декабрдаги 97-сонида чоп этилган "Кўнгилдаги оғриқлар" сарлавҳали мақолада Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри саҳнасининг совуқлиги, буюмлар сақланадиган омбор, ёритиш асбоблари, автотранспорт, буюмларни ювиш жиҳозининг йўқлиги, овоз ёзиш студияси, ижод хоналари етишмаслиги каби бир қатор муаммолар ҳақида ёзилган эди. Мазкур мақола юзасидан Марғилон шаҳар ҳокимлигидан жавоб хати келди.**

"Мақолада кўтарилган масалалар вилоят маданият бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, мусиқали мақом театри ходимлари вакиллари иштирокида ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун 2 миллиард 748 миллион сўмлик маблағ керак бўлади. Харажатлар сметаси ва таклифлар вилоят маданият бошқармасига тақдим этилди. Режалаштирилган ишлар 2021 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

**Шаҳар ҳокими ўринбосари**
**Т.БЕКНАЗАРОВ".**




# "МЎЙИ МУБОРАК" КИМДА ҚОЛГАН?

**Фарғона вилоятида 376 та маданий мерос объекти бўлиб, уларнинг 88 таси муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Ўзбекистон туманининг Овчи қишлоғидаги "Мўйи муборак" шундай табаррук қадамжолардан.**

Тарихчиларнинг маълумотига кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) ҳаётлик даврида фойдаланган буюмлар ва ашёлар жуда қадрланган. Улар орасида кенг тарқалгани соч толалари ҳисобланади. Алихон тўра Соғунийнинг маълумотига кўра, пайғамбаримиз (с.а.в.) умрлари давомида тўрт марта соч олдирган ва соч толалари саҳобалар ўртасида бўлишиб олинган.

Шайх Бурҳониддин Соғаржий (Х аср) пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг чопонларини кийганча бутун мусулмон мамлакатлари, ҳатто Хитойгача бориб, тумор ичидаги етти дона муборак мўй билан ислом тарафдорларини кўпайтириб юрган. У Хитойда вафот этган бўлса-да, васиятига кўра Самарқандда дафн этилган. Муборак мўйлар қабри устидаги мақбарада сақланиб келинган. Соҳибқирон Амир Темур мақбара томига гумбаз қилдириб, ичига муборак мўйларни қўйдирган. Мазкур ёдгорлик Руҳобод мақбараси номи билан машҳур. Самарқандда, шунингдек, "Мўйи муборак Уккоша" жоме масжиди ҳозиргача фаолият кўрсатади.

Муборак мўйлардан яна бири Тошкент шаҳридаги "Ҳазрати имом" мажмуасидаги хонақоҳда сақланган. Унинг Тошкентда пайдо бўлиши Ҳазрати Қаффол Шоший (903-976 йй.) номи билан боғлиқ. У вафот этганидан сўнг бир мунча вақт ўтиб, мақбараси ёнида "Мўйи муборак" хонақоси барпо этилган. Ушбу хонақо бир неча марта қайта қурилган. Ҳатто шу номли мадраса ҳам фаолият юритган. Охирги марта XIX аср ўрталарида хонақо ва мадраса қайта қурилган. Қурилишда Қўқон ноиби Абулқосимхон жонбозлик кўрсатганлиги учун халқ орасида мазкур мадраса "Абулқосимхон мадрасаси" номи билан машҳур бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида муқаддас ашёлар сони кескин кўпайди. Уларнинг бир қисми Дамашққа қилинган юриш вақтида, бошқа бир қисми дин пешволари томонидан келтирилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари саройида Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) хонадонига тегишли бўлган 28 та муқаддас ашё сақланар эди. Ҳозирда улар Лоҳур (Покистон) шаҳридаги "Шоҳ қалъа" мажмуасида сақланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг нимчаси, ковуши, салласи, қабр ёпинчиғи, соч толалари, оёқ излари ва бошқа муқаддас ашёлар шулар жумласидан. Уларнинг айримлари Турк султони Боязид II томонидан Бобур мирзога чексиз ҳурмат ва дўстона муносабатлар эвазига тақдим этилган. Бобур ва унинг авлодлари тўплаган муқаддас ашёларнинг яна бир тўплами, шу жумладан, Мўйи муборак ҳам Деҳли шаҳридаги "Шоҳ Жаҳон" масжидида шиша найча ичида сақланиб келинади.

Муборак мўйлар Фарғона водийсига илк марта XVIII асрда кириб келган. Бунга Арабистон ярим оролидаги парокандалик сабаб бўлган. Муқаддас ашёларнинг нобуд бўлишидан чўчиган "сақловчилар" уларни турли мусулмон мамлакатларига бериб юборишган. Шу даврда яшаган шоир Маъдан (1761-1838 йй.)нинг маълумотига қараганда, 1770 йилда муборак мўйлардан бир нечтаси Марғилон шаҳрига олиб келинган.

Табиийки, муборак мўйларнинг Марғилонда пайдо бўлиши аҳоли ўртасида шаҳарга муносабатнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келди. Айниқса, Умарбек даври (1799-1810 йй.)га келиб, Марғилондаги Мўйи муборак сақланган жой ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун қулайликлар яратилди. Муборак мўйлар шаҳарнинг Тошкесар дарвозасига яқин жойда, Тўралар маҳалласининг шимолий қисмида жойлашган шу номли масжидда сақланган.

Шунингдек, Марғилоннинг бошқа бир жойида – Хўжа Маъоз ибн Жабал зиёратгоҳида ҳам муборак мўй сақланган бўлиб, мазкур мажмуанинг илк қурилиши XV-XVI асрларга, тўлиқ қурилиши XVIII асрга тўғри келади. Маълумотларга кўра, 1848 йили Марғилон шаҳрида Ўтамбой парвоначи ҳокимлик қилиб турган кезлари зиёратгоҳ ҳудудидаги "Мўйи муборак" мақбарасини таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилган.

Умархон даврида мамлакатнинг сиёсий мавқеи янада кучайиб, қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. Муҳаммад Алихон даври (1821-1842 йй.)га келганда Қўқон элчилари Абдураҳмон шарбатдор билан Эрназар домла Истанбулга, Усмонийлар салтанатига ҳам боришган. Тарихчи Мулла Олимнинг маълумотларига кўра, Муҳаммад Алихон "...жулусининг ўн бешинчи йили (тахминан 1837 й.)да элчилар... нафис ҳадя ва қимматбаҳо матолар ила ... Фарғонага қайтиб келдилар". Шу ҳадялар орасида муборак мўйнинг бир нечта толаси ҳам бор эди. Бироқ бу ашёлар кимда ва қаерда сақланганлиги номаълум.

Бухоро амири Насрулло Қўқонга бостириб келган кезларда Муҳаммад Алихон ҳузурига кекса бир шайх мўйи муборакни олиб келиб, ундан мадад сўрашни таклиф этади. Бироқ хон таклифни беэътибор қолдиради. Айтиш жоизки, шу даврда сохта муқаддас ашёларни олиб юриб, фирибгарлик қиладиган шахслар кўпайиб кетган эди. Бундан ташқари, шу йиллари бир гуруҳ марғилонликлар ҳаж сафарига бориб, у ердан муборак мўйлардан бир нечтасини олиб келишади. Улар мўйларни хондан сир тутмоқчи бўлишади. Бироқ орадаги маълум муддатлик совуқчиликдан кейин мўйлар Муҳаммад Алихонга тақдим қилинади.

Муҳаммад Алихон узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг Қўқон яқинидаги Қоратепа қишлоғида жойлашган қадимий тепалик устига муборак мўйлар учун иморат – мақбара қуришга рухсат берди. Бу қишлоқ XVIII аср ўрталаридаёқ Қўқон хонлари томонидан сўлим маскан сифатида қадрланиб, ҳар йили ёз ойларида шу ерда оммавий сайил ва дам олиш маросимлари ўтказилиб келинган.

Турли диний маросимлардан холи бўлган кезларда "Мўйи муборак" зиёратгоҳи шоира Нодирабегимнинг мушоира ўтказадиган севимли масканига айланган. Кейинчалик бу қишлоқ Мўйи муборак деб аталадиган бўлди.

Бухоро амири Насрулло Қўқонга бостириб келганда (1842 й.) Мўйи муборакликлар Қўқон ичига бекиниб олишади. Амир қишлоқда қолиб, 40 кун давомида "Мўйи муборак" масжидида намоз ўқиган. У Қўқонни талон-тарож қилган даврда муборак мўйни қўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ уни маҳаллий аҳоли аллақачон беркитиб улгурган эди. Фақат Шералихон тахтга ўтиргандан кейин Мўйи муборак яна жойига қайтарилди. Бунда мўйни эҳтиёт қилиб сақлаган Эшон Саримсоқхон тўранинг хизматлари катта бўлди.

Кейинги давр хонлари XIX аср охирларига қадар бу жойда турли диний ва мавсумий байрамлар ўтказишга одатланишди. Хон хазинасидан муқаддас ҳисобланган қадамжони обод қилиш учун махсус маблағлар ажратиб туриладиган бўлди. Биргина Худоёрхон даврига оид молиявий ҳужжатларда зиёратгоҳ 65 марта тилга олинади. Сақланиб қолган ҳужжатларга кўра, Қўқон хонлиги давридаги "Мўйи муборак" мажмуасида сўнгги қурилиш-таъмирлаш ишлари 1873-1875 йилларда олиб борилган, унга Тўражон Тўра Эшон, уста Аҳмад Нажжор масъул бўлган. Маҳаллий кексаларнинг эслашича, қўрғон дастлабки вақтларда жуда ҳайбатли ва ҳайратомуз кўринишга эга эди.

"Мўйи муборак"даги муҳим тарихий воқеалардан яна бири Худоёрхон даври (1875 йилнинг ёзи)да юз берган. Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолончилар Худоёрхоннинг чекиниб бораётган карвонига "Мўйи муборак"ка келганда ҳужум уюштирган. Карвон шу ерда талон-тарож қилинади. Соқчилар ҳужумга бардош беролмайди. Фақат хон хонадони вакилларининг айримлари жонини омон сақлаб, Хўжандгача аранг етиб боради. Хоннинг катта ўғли Насриддинбек отасидан ажралиб, "Мўйи муборак"ка қайтиб келди. У халққа яхши кўриниш мақсадида хазинанинг катта қисмини аҳолига тарқатиб юборади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан хонлик Россия империяси томонидан босиб олинди. Шу тариқа "Мўйи муборак" давлат эътиборидан четда қолади. Қаровсизлик оқибатида ёдгорлик нурай бошлайди. Бундан ташвишга тушган маҳаллий амалдорлар уни ҳомийлик асосида таъмирлашга киришади. Шундай шахслардан бири қўқонлик Собирбой исмли йирик амалдор ташаббус кўрсатиб, тахминан 1890 йилларда "Мўйи муборак"ни таъмирлашга бош-қош бўлади.

XX аср бошларига келганда зиёратгоҳ яна турли маросимлар ўтказиладиган сўлим ва азиз жойга айлантирилган эди. Бундай тадбирлар кўпинча маданий дам олиш маросимларига айланиб кетарди. "Мўйи муборак"даги мушоира, ғазалхонлик, мақом кечалари атрофга донг таратган.

Совет ҳукумати ҳокимият тепасига келгандан кейин азиз қадамжолар оёқ ости қилина бошланди. Муборак мўй ўтган асрнинг 20-йилларида номаълум шахслар қўлида қолади. Ёдгорлик эса узоқ вақт ҳукумат кўзидан йироқда сақланган. Ҳатто вилоятдаги тарихий ёдгорликлар рўйхатига ҳам киритилмаган. Фақатгина 1990-йилларга келганда у меъморий обида сифатида давлат рўйхатига олинди. 1999 йилда зиёратгоҳ ҳудудида биринчи марта археологик тадқиқотлар олиб борилиб, ёдгорлик остида милодий VI асрга мансуб қўрғон қолдиқлари мавжудлиги аниқланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг ўзида Маданият вазирлиги томонидан мазкур тарихий обидани мукаммал таъмирлаш учун 1 млрд. 15 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 2021 йилда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилиб, у вилоятимизнинг туристик объектларидан бирига айлантирилади.

**Б.ҲОШИМОВ,**
**Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси мутахассиси.**




# Финалчилар аниқланди

**30 январь куни "Нефтчи" ва Фарғона давлат университети ўйингоҳларида "Вилоят ҳокими кубоги — 2021" халқаро турнирининг чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг еттинчи кунида мухлислар бир-биридан қизиқарли кечган баҳсларнинг гувоҳи бўлишди.**

### "БУНЁДКОР" МЕҲМОНЛАРНИ АЯБ ЎТИРМАДИ

Чорак финал учрашувлари – гуруҳ босқичи ғолиблари учун омадли келди. "Бунёдкор" жамоаси ярим финал остонасида Қирғизистоннинг "Нур Баткен" клуби дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритди. Голлар Иброҳим Томива, Нурилло Тўхтасинов, Миржаҳон Мираҳмадов, Суннатилла Абдуллажонов ҳисобига ёзилди.

### "НЕФТЧИ"ДАН ЙИРИК ҒАЛАБА

Мусобақа ғолиблигига асосий даъвогар бўлиб турган "Нефтчи" жамоаси чорак финалда ҳам рақибини қийинчиликсиз мағлуб этди. Илҳом Мўминжонов шогирдлари "Навбаҳор фарм" клубини 3:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Эътиборлиси, "Нефтчи" жамоаси сафига келиб қўшилган легионер футболчи Неманья Обрадович рақиб дарвозасини ишғол этди. Шунингдек, Абдуллоҳ Олимов ва Отабек Зокиров биттадан голга муаллифлик қилишди.



### ПЕНАЛЬТИЛАР СЕРИЯСИ

Анвар Бердиев бош мураббийлик қилаётган "Истиқлол" жамоаси чорак финалда "Бухоро" клубига қарши майдонга тушди. Учрашувнинг асосий қисмида дуранг натижа қайд этилди. Дилёр Эрматов 38-дақиқада ҳисобни очган бўлса, 90-дақиқада Ҳакимхон Аламхонов мувозанатни тиклади. Пенальтилар сериясида фарғоналиклар 5:4 ҳисобида зафар қучишди.

### "ҚЎҚОН ДЕРБИ"СИ

Мусобақадаги яна бир ярим финалчи номи "Қўқон дерби"сидан кейин аниқланди. Суперлига дебютанти "Турон" билан учрашувда "Қўқон-1912" жамоаси кичик ҳисобда ғалаба қозонди. Ягона голни 24-дақиқада ярим ҳимоячи Сардор Азимов киритди.

### ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Кеча турнинрнинг ярим финал учрашувлари ўтказилди. Дастлаб "Нефтчи" Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоасига қарши майдонга тушди. Бош совринга асосий даъвогар ҳисобланган азалий рақиблар баҳси кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Мухлислар 90 дақиқа давомида ҳужумкор ўйин гувоҳи бўлишди. Беллашувда меҳмонлар 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

Иккинчи ярим финал баҳсида «Истиқлол» ва «Қўқон-1912» жамоалари ўзаро куч синашди. Мазкур учрашув ҳам шиддатли ва ҳужумкор руҳда ўтди. Асосий ўйин 2:2 ҳисоби билан якунланди. Пенальтилар сериясида "Истиқлол" 5:3 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди.

Шундай қилиб, турнир финалчилари маълум бўлди. Булар — Тошкентнинг "Бунёдкор" ва Фарғонанинг "Истиқлол" жамоалари.

**Рустам ОРИПОВ,**
**Аброр ДЕҲҚОНОВ.**



МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.*

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.ferghana.uz

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Газетамиз ҳақидаги муълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

*Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.*

Буюртма: 72
Индекс: 7521
Адади: 10 988

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

*Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Ҳаётжон Бойбобоев. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*